# СИҚИЛҒАН ТАБИИЙ ГАЗ ТАЪМИНОТИ УЧУН
# Ш А Р Т Н О М А № 1

«17» январь 2022 йил                                                                                  Марғилон шаҳри

**"RAHMATILLO MUSAFFO FAYZ" ХК АГТКШ-1** номидан корхона Низом асосида иш юритувчи корхона раҳбари А.Абдуллаева (кейинги ўринларда "ТАЪМИНОТЧИ" деб юритилади) бир томондан ва Фарғона в. 2-сон тум. фтиз. дисп. корхонаси номидан корхона Низом асосида иш юритувчи корхона раҳбари Кенджаев А. А. (кейинги ўринларда "ИСТЕЪМОЛЧИ" деб юрититилади) иккинчи томондан бўлиб қуйидаги шартномани туздилар:

## 1.ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. "ТАЪМИНОТЧИ" ушбу шартноманинг 2.1-бандида қайд этилган миқдорда, ҳажмларда, баҳоларда ва муддатларда "ИСТЕЪМОЛЧИ" га етказиб бериш, "ИСТЕЪМОЛЧИ" эса етказиб берилган маҳсулотларни қабул қилиб олиш ва ҳақини тўлаб бериш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

## 2.МАҲСУЛОТНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ, ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТИ

2.1. Шартномада кўрсатилган сиқилган табиий газни етказиб бериш шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади.

| ТР | Маҳсулот номи | Ўлчов бирлиги | Йиллик миқдори | Нархи (ҚҚС билан) | Шартнома қиймати |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Сиқилган табиий газ | Куб метр | 800 | 2800 | 2240000-00 |

2.2. Етказиб бериш "истеъмолчи" автомобилларининг газ баллонларини "етказиб берувчи" автомобил газ тўлдириш компрессор станциялари (АГТКС)да етказиб бериш кунидаги нархда тўлдириш орқали амалга оширилади.

## 3.МАҲСУЛОТ БАҲОСИ ВА ХИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

3.1. Шартноманинг умумий суммаси уни тузиш вақтида НДС билан 2240000-00 (Икки миллион икки юз қирқ минг) сўм, шартнома суммаси ва хом ашё, материаллар, ёқилғи-энергетика ресурсларининг ўзгариши, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг Низом ва қарорларидаги ўзгаришлар туфайли ўзгартирилиши мумкин.

3.2. Сиқилган табиий газни чиқариб юбориш (ёнилғига қуйиш) белгиланган шаклдаги тарқатиш варақалари бўйича камида 100% дастлабки счётлар тўлангандан ва "таъминотчи"нинг ҳисоб-китоб счётига пул тушганидан кейин амалга оширилади. "ТАЪМИНОТЧИ" томонидан ҳақиқатда етказиб берилган сиқилган табиий газ учун якуний тўлов "ИСТЕЪМОЛЧИ" томонидан белгиланган тартибда берилган ҳисобварақ-фактура асосида тасдиқланган ойдан кейин 10 кун ичида амалга оширилади. ҚҚС ҳисобварақ-фактурада кўрсатилади.

3.3.Хисоб-китоблар пул ўтказиш йўли билан ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган бошқа тартиб усулларда амалга оширилади.

## 4. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. "Истеъмолчи" газ баллонли ускуналар билан жиҳозланган транспорт воситаларининг ишлаши учун техник ҳолат ва хавфсизлик тартиблари, шунингдек, ёнғин, санитария ва экологик хавфсизликка риоя қилиш учун жавобгардир.

4.2. **"ИСТЕЪМОЛЧИ"га**:

а) сиқилган табиий газ фойдаланиш ва автомобил газ баллонли ускуналар ишлаши бўйича амалдаги қоидалар, хусусиятлари, кўрсатмалар ва қоидаларга риоя;

б) газ баллонли ускуналар ва автомобил моддий қисмини яхши ҳолатда сақлаш;

в) йўл варақаларида газ баллонлар сони, техник ҳолати ва унинг геометрик ҳажми ҳақида қайд этиш;

г) белгиланган тартибда автомобилни сиқилган газ тўлдиришга рухсат олиш;

д) баллонларнинг умумий, геометрик ҳажми қийматини автомобилнинг техник паспортида (махсус қўйишда) 0,5 аниқликда ёзиш ҳамда автомобилнинг махсус қисмларига ёзиш.

4.3. **«ТАЪМИНОТЧИ»**:

а) автомобилнинг газ ускуналари, асбоблари ва ўчириш воситаларининг тўғри ишлашини текшириш;

б) ҳайдовчининг сиқилган табиий газда ишлайдиган автомобилни бошқариш ҳуқуқи учун гувоҳнома, ёнилғи қуйиш учун рухсатнома ва йўл варақаси борлигини текшириш.

с) Агар "истеъмолчи" ("истеъмолчи"нинг ходимлари) белгиланган ҳуқуқларга, ёнилғи қуйиш қоидаларига ва ушбу шартнома шартларига риоя қилмаса, сиқилган табиий газ билан таъминланмайди.

## 5. СИҚИЛГАН ТАБИИЙ ГАЗ МИҚДОРИ ҲИСОБИ ВА ҲИСОБЛАШ ТАРТИБИ

5.1. "Истеъмолчи"га чиқарилган сиқилган табиий газ миқдори "таъминотчи"нинг ўлчов асбоблари асосида аниқланади.